

КАРТОШКА ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ

У.И.Қодиров – ҚарМИИ катта илмий ходим-изланувчи,

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиришда картошканинг аҳамияти беқиёс. Бу маҳсулотга йил мобайнида талаб катта бўлади. Ана шу талабни тўла кондириш учун деҳқонларимиз кунлар исиши биланоқ картошка экишга киришиб, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришлари зарур [1].

Ўзбекистон сабзаёт, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган эртаги картошка етиштиришда қўлланиладиган технологик харитага асосан дастлаб далани жорий текисланади, сўнгра маҳаллий ва минерал ўғитлар далага сочилади ҳамда 27-30 см чуқурликда шудгорланади. Шудгорлашдан ҳосил бўлган марзалар текисланиб, экиш олдидан 2 марта чизеллаш ва молалаш каби агротехник тадбирлар бажарилади. Эрта баҳорда картошка текис ерга ёки пушта олиб экилади.


Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароити, суғориладиган деҳқончилиги, картошканинг баҳорги ва ёзги муддатларда, турли усулларда экилиши кабилар, картошка етиштиришнинг мавжуд технологиясини ҳамда техникаларини такомиллаштиришни тақоза этади.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти олимлари томонидан картошкани пуштали экишга тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган агрегат ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган технология асосида комбинациялашган агрегат, қуйидаги технологик жараёнларни биргаликда қўшиб олиб боради. Пушта шаклландиган чизиқ бўйича тасмали юза ва чуқур юмшатиш билан бир вақтда ўғитларни икки ярусда муайян жойга тасмали бериш, тупроқ палахсаларини ағдариб пушта ва ариқларни шакллантириш ҳамда пушта-эгат профилига мос ғалтак-мола ёрдамида тупроқни юза қисмини зичлаб кетишдан иборат.

Агрегатнинг асосий ишчи органлари бир-бирига қарама-қарши яъни ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар, юмшатгичлар, чуқур юмшатгичлар, ғалтак ва ўғит бериш сошнигидан иборат [2]. Агрегатни қўллаш тупроқни қисқа муддатларда пуштали экишга тайёрлаб, тупроқни емирилиш ва ўта зичланишидан сақлайди, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ва ҳосилдорликни оширади. Пушта остини чуқур юмшатиш намликни йиғиш ва сақлашни таъминлайди. Ушбу технологик жараёнларни бажарадиган комбинациялашган агрегат (1-расм) қуйидаги элементларни ўз ичига олади [3]: агрегат симметрия ўқи бўйича жойлашган ўнг ва чап томонга ағдарувчи

корпуслар 3 ва 4 кўшимча элементи 5 билан, чуқур юмшатгичлар 7, ўғит бериш сошниги (схемада келтирилмаган). Корпусдан кейин махсус галтак 6 ўрнатилади.



1-расм. Агрегатнинг конструктив схемаси: 1 – рама; 2 – дисксимон пичоқ; 3 – ўнгга ағдарувчи корпус; 4 – чапга ағдарувчи корпус; 5 - йўналтиргич; 6 – галтак; 7 – чуқур юмшатгич.

Далани комбинациялашган агрегат ёрдамида бир ўтишда пушта шакллантириб картошка экишга тайёрлаш баҳорда эртароқ муддатларда экиш имконини беради ва пушта олиб устига экиш энг истиқболли усул ҳисобланади.

Дастлабки дала синовларига кўра, комбинациялашган агрегатни қўллаш мавжуд машиналарга нисбатан фойдаланиш харажатларни, меҳнат ва ёқилғи сарфини камайтирди ҳамда иш унумдорлигини ошишига эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://www.agro.uz/> Эрта баҳорда картошка экиш бўйича тавсиялар.

2. МаматовФ.М, Худояров Б.М, Ражабов А. ва бошқалар. Далаларни пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат// Қишлоқ хўжалигида техника ва технологиялар сервисини ривожлантириш истиқболлари Республика илмий-техник конференцияси илмий мақолалари тўплами. Қарши, 2010. 272 б.

3. А.С. 1687048 Комбинированное почвообрабатывающее орудие/ В.А.Сакун, Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев, С.А.Золотарев, Ю.В.Алексеев и И.Г.Темиров// Б.И.-1993.-№2.